



Ўз бандаларининг манфаати учун турли жониворларни яратиб, уларнинг покларини халол килиб берган, жонлик сўйиб, Ўзига қурбат ҳосил килиш имкониятини яратган Парвардигоримизга ҳамду санолар бўлсин!

Инсониятга емак-ичмакнинг халол ва харомини ўргатган, жонликни халоллаш йўлини кўрсатиб берган Пайгамбаримиз алайҳиссаломга дуруду салаватларимиз бўлсин!

Алхамдулиллах, санокли кунлардан сўнг Ийд Қурбон байрамини нишонлаймиз. Хожиларимиз Аллохнинг Уйига рихлат килиб, жонлик сўйиб, бобокалонимиз Иброхим алайҳиссаломнинг, хазрати Мухаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларини адо этиб, Яратганга қурбат ҳосил киладилар, иймонларини тасдиқлайдилар. Дунёнинг турли чеккаларида яшовчи миллионлаб мусулмонлар ҳам бу муборак ибодатни адо этиб, чексиз ажр-савобларга мушарраф бўладилар. Шу ўринда ана шу кутлуг ибодат – қурбонлик сўйишга оид бироз маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Аникроги, жониворларни шаръий тартиб-қоидаларга кўра сўйишни берахмлик деб ҳисобловчи баъзи кимсаларга берилган ўринли бир жавобни сиз азизларнинг эътиборингизга хавола этмоқчимиз.

Савол:

Нима учун мусулмонлар хайвонларни шафкатсизларча сўйиб ўлдирадилар? Уларни узок вақт давомида кийналиб ўлишга мажбур киладилар?

Жавоб:

Хайвонларни Ислом шариатида кўра сўйиш усули («забх») кўпчиликнинг танкид тошларига учраб келадиган мавзудир.

«Нима учун сизлар хайвонларни тириклай бўгизлайсиз? Ахир халқуми кесилаётган хайвоннинг жони огрийди-ку! Нима учун уни кийнамай, бизларга ўхшаб бир зарба билан ўлдириб, кейин бемалол гўштини нимталамайсиз?», дейишади Исломни тушунмаганлар (ёки тушунишни истамаганлар).

Бундай таъна-дашномларга жавобан қуйидаги нукталарни кўриб чиқиб, забх усулининг

нафакат шафкатлирок, балки илмий нуктаи назардан афзалрок эканлигига эътиборингизни қаратмоқчимиз:

❑ 1. Жониворларни сўйишнинг исломий усули

Аллох таоло «Моида» сурасида мусулмонлар учун ҳалол қилинган гўштларни баён қилиб, жумладан, шундай марҳамат қилади:

«... сўйиб ❑ олсангиз (ҳалол)».

«Сўйиб олсангиз» деб таржима қилинган сўз ояти қаримада «заққайтум» (❑❑❑❑❑) деб келган. Бу сўз барчамизга маълум бўлган зақот сўзига ўзакдош бўлиб, поклик, ўсиш маъноларини англатади. Унинг «тазкия» шакли эса «поқлаш» деганидир..

Ислом шариатининг жонивор сўйиш усули қуйидаги шартларнинг бажарилишини тақозо этади:

а. Хайвон ўтқир, жуда кесқир тигли асқоб (пичоқ) билан сўйилиши лозим.

Шунингдек, жонивор қийналмаслиги учун тез сўйиш ҳам шарт.

б. Сўйганда жониворнинг нафас йўли (ҳалқуми), томоғи ва қон томирлари қесилиши қерак.

❑ Араб тилидаги «забиха» феъли сўйишни англатади. Забҳда хайвоннинг бўғзи, нафас йўллари (трахея) ва бўйнидаги қон томирлари қесилади, бироқ орқа мияси қесилмайди.

в. Жонликнинг қони оқизиб юборилиши шарт.

Жонликнинг бошини ўзишдан аввал унинг қони имқон қадар тўлиқ оқизиб юборилиши қерак. Бундан мақсад шуки, хайвоннинг танасида турли микроорганизмларнинг ўрчиши учун қулай муҳит бўлган қон қолмаслиги қерак. Орқа миянинг қесмай турилади, бунинг ҳикмати шуки, орқа мия қесилса, юракка борувчи нерв тоналари ўзилиб, юрак тўхтаб қолиши, натижада томирларда қон қотиб қолиши мумкин.

❑ 2. Қон микроб ва бактериялар учун қулай муҳитдир.

Дарқикат, қон – микроблар, бактериялар ва тоқсинлар қўп ўчрайдиган жойдир. Шунинг учун қоннинг тўлиқ оқизиб юборилиши талаб қилинадиган шаръий сўйиш усул гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган усулдир. Шу тариқа сўйилган гўштга қондаги бактериялар, тоқсинлар ва микроб қаби турли хил зарарли моддалар ўтиб қолишининг олди олинади.

❑ 3. Шаръий усулда сўйилган гўшт қўпроқ вақт бузилмай сақланади.

Шаръий талабларга қўра сўйилган гўшт ўзоқроқ вақтгача бузилмай сақланади, чунки унинг тарқибдаги қон микдори бошқа усулларда сўйилган гўштларга қараганда қамроқ бўлади.

▣ 4. Шаръий усулда сўйилган хайвон огрикни сезмайди

Бўйин томирлари кескин харакат билан кесиб юборилса, миянинг огрик сезувчи асаб толаларига кон бормаи колади. Натижада хайвон огрикни сезишдан дархол тўхтайди. Шунинг учун ҳам, шаръий усулда сўйилган хайвоннинг оёқларини типирчилатиб, бор кучи билан зўрикиши огрик туфайли эмас, балки мушакларнинг тез-тез кискариб, бўшаши, танадан коннинг шитоб билан окиб чикиши туфайли юз беради.

Доктор Закир Наик, Исломиий тадқиқотлар фонди президенти
islamforhumanity.wordpress.com сайтидан олинди

Абу Муслим таржимаси

* * *

Ушбу макола шаръий жонлик сўйиш усулига нисбатан билдирилган танкидларга етарли жавоб бўлади деб ўйлаймиз. Бирок, бу маълумотлар шариатимиз белгилаб берган сўйиш усулининг ягона афзаллиги эмас, албатта. Ушбу ибодат замирига яна канча хикматлар яширинганлиги чексиз илм сохиби бўлмиш Кодир таолонинг Ўзигагина маълумдир. Шундай экан, бутун дунё мусулмонларига муборак Ийдул Азха куни ушбу гўзал ибодатни – қурбонлик килишни насиб этишини Парвардигоримиздан тилаб коламиз.